Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI — ХДП

• 2011-yil, 4-yanvar, Seshanba • 2 (31.278) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

**Орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яккаю ягона шарти бу — жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича ... амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислоҳотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.**

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

## Янги йилда янги вазифалар



**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Янги йилнинг ҳаяжони ҳар биримизга яхши маълум. Беихтиёр ўтган бир йил давомида ҳаётингда рўй берган воқеаларни сарҳисоб қилиб, янги орзулар оғушига чўмасан, киши.

Ортимизда қолган 2010 йил ҳақида ўйлар эканмиз, бу йил мамлакатимиз ҳаётида кўплаб тарихий воқеалар бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Январь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз сўзлаган нутқ нафақат парламентимиз ва сиёсий партиялар, балки мамлакатимиз учун янги демократик тараққиёт босқичини бошлаб берди. Янги шаклланган парламент ана шу ғоялар асосида фаолият кўрсатгани учун йил давомида унинг иши самарали бўлди дейиш мумкин. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўзининг узоқ муддатга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқди, қонун ижодкорлиги жараёни такомиллашди, фракциялар ўртасидаги принципиал масалалар юзасидан кураш кескин кучайди. Бунинг барчаси қонунлар ижросини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ўтган қарийб йигирма йил давомида улкан тарихий йўлни босиб ўтди. Ўзимизга белгилаб олган тарихий тараққиёт йўлининг маълум босқичи амалга ошди, десак, хато бўлмайди. Президентимиз 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ўзининг мазмун-моҳиятига кўра навбатдаги босқични бошлаб берди. Концепцияда илгари сурилган ғоялар тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга хизмат қилади. Бу йўлда бошлаган эзгу ишларимизни янада кучайтиради. Мазкур қадам юртимиз ҳаётида тарихий бурилиш даври сифатида қолиши, ҳали чуқур татқиқ қилиниши шубҳасиз.

*(Давоми 2-бетда.)*

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти



## Оналар соғлом бўлсин

### фарзандлар саломат вояга етсин



ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан жойларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишда қонунчиликда белгиланган кафолатлар ижро механизмини такомиллаштириш, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш масалаларига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Унда «Соғлом она ва соғлом бола» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси, шунингдек, БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадларига эришиш йўлида белгиланган ишларга эътибор қаратилди.

→ 2

Эътироф

*Мен ҳар йили янги йилни турли мамлакатларда кутиб олишга одатланганман. Боиси ҳар ерда турлича нишонланадиган бу ажойиб байрамнинг саргузаштларга бой ўтишини хоҳлайман. Масалан, Италияда урф-одатларимизга кўра, янги йил кириб келадиган кечада барча эски буюмлар кўчага улоқтирилади ва бу орқали одамлар йил давомида қалбларида тўпланган дилхиралликларга барҳам берадилар, эски муаммоларни унутадилар. Байрамни кутиб олиш учун бу йил айнан ранг-баранг қадриятларга ва анъаналарга бой Ўзбекистонни танлаб адашмадим, деб ўйлайман».*

**Агостино ИПЕРТИ (Италия)**

Янгилик

## «Сербия боғи»

Андижонда «Сербия боғи» барпо этилди. Боғда Сербиядан келтирилган йигирма уч хилдаги олма, етти хилдаги нок ва йигирмадан ортиқ олхўри ва ўрик навларидан иборат жами 100 минг туп мевали дарахтлар экилди.

Андижон қишлоқ хўжалиги институтида ўтказилган семинарда Сербиянинг қишлоқ хўжалиги бўйича етакчи мутахассислари ҳамда Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларидаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда сербиялик мутахассислар кўчатларни парваришлаш, ҳосилдорлик даражаси, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ маълумот беришди. Соҳа мутахассислари ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳақида шартнома имзоланди.

**«Туркистон-пресс»**

Янги йил қувончлари



Умар РАХМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**Хуршид Сатторов ва Гулчеҳра Сатторова — ёш ўқитувчилар оиласи янги йилни Жиззах тумани Учтепа қишлоғида намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уйда кутиб олди.**

***Янги — 2011 йилни катта қувонч, нурли орзу-умидлар билан кутиб олдик. Ўтган Баркамол авлод йилида ишхонамизда, оиламиз ва мамлакатимизда эришилган ютуқларни ёдга олдик, янги йил режаларини кўнгилдан ўтказдик. Бир-биримизга эзгу тилаклар билдирдик.***

***Янги йил оқшомида одатдагидек ҳар биримиз Президентимизнинг байрам табригини ҳаяжон билан тингладик, табрикда айтилган фикрлар, билдирилган тилаклар қувончимизга қувонч қўшди, эртанги кунга ишончимизни, ғуруримизни оширди.***

***2011 йил 1 январь — Янги йилнинг биринчи тонги, биринчи куни!.. Мамлакатимизда байрам тантаналари давом этди. Кимдир оиласи билан санъат саройига, кимдир истироҳат боғи ва майдонларда ўтаётган арча байрамига, кимдир дўстлар даврасига ошиқди, кимдир янги режалар тузиб олди...***

***Янги йилнинг биринчи кунини Сиз қандай ўтказдингиз, кўнглингиздан нималар кечди?***

***Ана шундай саволлар билан ҳамюртларимизнинг бир гуруҳига мурожаат қилдик.***

→ 2-3-4

## Фаровонлигимиз тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи

*Аслини олганда, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик деб номланаётган бу эзгу фазилатлар азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти. Бунга Самарқанд новвойлик, Бухоро зардўзлик, Хоразм гиламдўзлик, Риштон кулолчилик каби ҳунармандчилик мактабларини мисол келтиришимиз мумкин. Ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари билан рўзғорини бутлаган ва истеъмолчиларнинг турмуш шароити яхшиланишини таъминлашган. Афсуски, яқин ўтмишда ҳунармандчилик ишлари ҳам деярли тақиқланди, кўплаб устахоналар асоссиз равишда ёпилди.*

→ 3

O`zbekiston havo yo`llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1672,38 | 1 Миср фунти | 282,71 | 1 СДР | 2526,50 | 10 Жанубий Корея вони | 14,57 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2549,41 | 1 Канада доллари | 1653,28 | 1 Туркия лираси | 1061,78 | 10 Япония иенаси | 201,94 |
| 1 БАА дирҳами | 446,68 | 1 Хитой юани | 248,96 | 1 Швейцария франки | 1753,66 | 1 Россия рубли | 54,05 |
| 1 АҚШ доллари | 1640,55 | 1 Малайзия ринггити | 535,60 | 1 Евро | 2167,07 | 1 Украина гривнаси | 206,06 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

# Ташаббус ва фидойилик бўлмаса

## кўзланган мақсадга эришилмайди

**Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар асосий диққат-эътиборни партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратмоқда. Улар бир неча аниқ йўналишда иш олиб боришаяпти. Ҳудудий ривожланиш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини ижтимоий муҳофаза қилиш шулар жумласидан.**

Депутатлик гуруҳлари халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари сессияларида фаоллик кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида депутатларимиз таклифи билан ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди.

Олтинсойдаги «Ҳайрондара» қишлоғи аҳолисини табиий газ билан таъминлаш сифати узоқ йиллардан буён муаммолигича қолаётган эди. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи ташаббуси билан масала туман Кенгаши сессиясида кўрилгач, унинг ечими юзасидан чора-тадбир ишлаб чиқилди.

— Қишлоғимиз тоғ этагида, туман марказидан 35-40 километр олисда жойлашгани учун ҳозирча у ерга газ қувури тортишнинг имкони йўқ, — дейди «Лукка» маҳалласида яшовчи Зокир Жумаев. — Шунга қарамай, депутатлар аралашуви натижасида шароит тубдан ўзгарди. Қишлоғимизга махсус уловда табиий газ балонларини изчил келтириш йўлга қўйилди. Бундан ҳududдаги 7 минг нафарга яқин аҳоли миннатдор бўлаяпти.

— Термиз шаҳрида 16 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд, — дейди Халқ таълими бўлими мудири Холмат Хидиров. — Уларда 20 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз таҳсил олади. ЎзХДП депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши сессиясида уларга бепул транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш масаласини кўтарганидан хурсанд бўлдик. Бу таклифнинг амалга ошиши ёш авлодга қулай шароит яратиш билан бирга, ота-оналарни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан аҳамиятли.

Маълумки, Тожикистон алюминий заводи тарқатаётган заҳарли тутунлар, мана, 30 йилдирки, воҳанинг шимолий туманлари аҳолисига жиддий зиён етказмоқда. Бунинг оқибатида, айниқса, ёшлар орасида турли хасталиклар кўпаймоқда. Бу касалликларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган авлоднинг ҳар жиҳатдан саломат бўлиб вояга етиши келажак учун ғоят зарур. Шу боис, партиямиз депутатлик гуруҳлари бу борада ўринли ташаббуслар билан чиқмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Узун туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудда болалар учун махсус санаторий-мактаб қуриш таклифини туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритишни режалаштирмоқда.

*Шу ўринда таъкидлаш жоиз, туманда 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилса, шундан 50 мингга яқини мактаб ёшидаги ўғил-қизлардир. Уларга зарур ва малакали тиббий хизмат кўрсатиши мўлжалланаётган мазкур масканнинг қурилиши жиддий аҳамият касб этади.*

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари сессияларида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш бўйича мунтазам таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Уларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш, барқарор янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, касаначиликни ривожлантириш борасида Денов, Узун, Қумқўрғон туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда.

— Шаҳар кўчаларида транспорт воситалари ҳаракатида муаммолар пайдо бўлганди, — дейди халқ депутатлари Денов туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Холиёр Ирисматов. — Бу йўловчиларга қийинчилик туғдириш билан бирга, турли кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқарди. Масала туман Кенгаши сессиясида кўрилгач, вазият яхшиланди. Кўплаб автомобиль тўхташ жойлари ташкил этилди, турли йўналишларга қатнайдиган автоуловлар иши тартибга солинди.

Хуллас, одамлар орасига кириб, уларнинг муаммоларига ечим топиш мақсадида интилаётган депутатлар ҳаракати зое кетмаяпти. Аниқ натижалар эса депутатларнинг янада уюшқоқ ишлаши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Аммо депутатлар орасида ҳалигача ўз вазифасини тўғри англаб етмаган, қонуний ваколатлардан фойдаланишни эплай олмаётганлари йўқ эмас.

Бунинг асосий сабаби, аввало, партиямизнинг айрим туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ҳамда депутатлик гуруҳларида иш тўғри йўлга қўйилмаганидир. Ўтган йил давомида Олтинсой, Шўрчи, Ангор, Қизириқ, Бандихон, Термиз туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари бирорта амалий ташаббус билан чиқмади. Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига бефарқ қараш ҳоллари мавжуд. Сиёсий-ғоявий, ташкилий ва мафкуравий масалаларга эскича ёндашиш ҳамон сезилиб турибди.

Партия тарафдорларини, дастурий ғоя ва устувор йўналишларимизни қўллаб-қувватловчи кишилар сафини кенгайтириш давр талабидир. Бунинг учун аввало электоратни қийнаётган муаммоларни бартараф этишда улар билан ҳамфикр бўлиш тақозо этилади. Бандихон, Сариосиё ва Шўрчи туман Кенгашлари депутатлари ташкил этган тадбирлар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг кўпчилиги расмиятчилик учун ўтказилган. Қолаверса, тадбирларнинг аксари партия Ҳаракат дастурида белгилаб олинган вазифалар, электорат манфаати билан боғлиқ эмас.

Жойларда жамоатчиликка партия дастурий мақсадларини тушунтиришга жиддий эътибор берилмаяпти. Натижада юқорида камчиликлари кўрсатиб ўтилган ҳудудларда одамларнинг Жамоатчилик қабулхоналарига ишончи камайиб бормоқда.

Ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашиш вазиятни янада чигаллаштиради. Шундай экан, сусткашлик ва ўзибўларчилик кайфиятига вақт ва имкон борида барҳам бериш лозим. Партия ташкилоти етакчиси бўлиш ҳам, депутатлик ҳам жиддий масъулият ва фидойилик талаб этади.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Оналар соғлом бўлсин

## фарзандлар саломат вояга етсин

Шундай тадбирлардан бири Иштихон туманидаги Сафохўжа маҳалласида бўлиб ўтди.

— Ўтган йил давомида бундай тадбирлар вилоятнинг қарийб барча туманларида ўтказилди, — дейди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси Дилбар Имомова. — Тадбир доирасида хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур ҳолларда даволаш муассасаларига йўлланмалар берилди.

— Оила фаровонлигини мустаҳкамлаш, саломатликни муҳофаза қилиш ўта муҳим масала, — дейди «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси вилоят бўлими ижрочи директори Гулнора Ашурова. — Аёл саломатлиги фарзандлар ҳар жиҳатдан етук бўлиб улғайишида асосий омилдир.

— Афсуски, баъзи ёш оналар фарзандларини сунъий сут билан озиқлантиради. Оқибатда кўкрак саратони хасталигига чалинади, — дейди шифокор Саноат Рашидова. — Шу сабабли ёш оналарга болани кўкрак сути билан озиқлантириш ҳақида маслаҳат берамиз. Шунда бола соғлом ўсади, она ҳам турли хасталикка учрамайди.

Сафохўжа маҳалласи хотин-қизлари тиббий кўрикдан ўтказилгач, муолажага муҳтожларга текин дори-дармон тарқатилди. Тиббий кўрик якунида «Энг соғлом аёл», «Соғлом она ва соғлом бола», «Бўлажак соғлом она» каби рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

●●●

Боёвут туманидаги «Нилуфар» қишлоғида ҳам «Соғлом она ва соғлом бола» тиббий кўрик акцияси бўлди, унда хотин-қизлар «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси кўмагида бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Кўрикка тажрибали шифокорлар жалб қилинди, — дейди «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи Юлдуз Усмонова.

— «Қаропчи» қишлоғидан келдим, — дейди И. Норқулова. — Кўп йиллардан бери камқонлик касалидан қийналаман. Асорати қизим Гўзалойга ҳам ўтган экан. Қизим билан бирга кўрикдан ўтдим, даволаниш учун керакли маслаҳат олдим.

— 4995 нафар аҳолига хизмат кўрсатамиз, — дейди қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи Фарида Бадриддинова. — Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш ишларини талаб даражасида олиб бориш учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. 82 та кам таъминланган оила аъзоси доимий эътиборда. Бугунги тадбир бизга ҳам катта ёрдам бўлди.

— Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган таклиф ва истакларни ҳисобга олиб, бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа туманларидаги чекка қишлоқларда ҳам ўтказишни режалаштирдик, — дейди Сирдарё вилоят партия кенгаши бўлим мудири Ш.Маҳаматова. — Мақсадимиз — хотин-қизлар ва болаларнинг саломатлигини сақлаш йўлида ишлар кўламини янада кенгайтиришдан иборат.

**Жанглиш ҲАСАНОВА**

●●●

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Қорақалпоғистон Республика бўлими ташаббуси билан Нукус шаҳрининг «Таслак - 1» ва «Таслак - 2» маҳаллаларида ташкил этилган тадбир савол-жавобларга бой бўлди.

Унда Жўқорғи Кенгес депутатлари, республика онкология диспансери, Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси, республика болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлиги Марказининг Нукус филиали мутахассислари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар «Соғлом она — соғлом бола» Давлат дастури, «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталишди. Шунингдек, онкология диспансери шифокорлари хотин-қизларда кўкрак саратони касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг олдини олиш бўйича атрофлича тушунча беришди.

Тадбир доирасида хотин-қизлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бундай тадбирлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди «Фаол аёллар» қаноти Қорақалпоғистон Республика бўлими етакчиси Мунира Тўраева. — Нимага десангиз, уй бекасининг тиббий маданияти ошиши оила саломатлигига хизмат қилади.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

●●●

Худди шундай тадбир Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Уни шаҳар хотин-қизлар қўмитаси туман марказий кўптармоқли поликлиникаси билан ҳамкорликда ўтказди.

— Маҳалламизда 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фаоли Умида Аҳадова. — Шундан 3550 нафари хотин-қизлар. Ҳудудимизда бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Уларда тиббий маданият, қизларни турмушга тайёрлаш, аёлларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш каби масалалар муҳокама этилмоқда.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА**

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Янги йилда янги вазифалар

Нафақат мамлакатимиз, балки дунё жамоатчилигининг катта қизиқишига сазовор бўлган ва кенг муҳокама қилинаётган Концепциянинг аҳамияти ҳақида сўз борар экан, Конституция байрамида Президентимиз таъкидлаган қуйидаги сўзларга эътиборингизни қаратишни истардим:

**«Энг мураккаб ва масъулиятли вазифа — мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир».**

Албатта, бу ўта мураккаб ва жиддий вазифа. Уни амалга ошириш анча вақт ва катта меҳнат талаб этади. Ўзимиз орзу қилган ҳаётни барпо этиш учун кўп машаққат чекишимиз ҳам табиий. Шундай экан, она юрт тараққиётидан манфаатдор ҳар бир кишидан бу вазифага масъулият билан қараб, келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун астойдил меҳнат қилиш талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ҳаракат дастури биз депутатларнинг Концепцияда илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш борасида ташлаган биринчи қадамимиз бўлди. Аниқроғи, Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар мазкур йўналишдаги ишларнинг бир босқичини ташкил этади.

Партиямизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари мазкур Ҳаракат дастурини тайёрлашда фаол қатнашди, унда электорат манфаатини ифода этган ва келгусида амалга ошириладиган ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаб берувчи қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан аниқ таклифлар беришди.

Ҳаракат дастурининг самарали ижросини таъминлашда ўз зиммамизга катта масъулият олдик. Бу — қонун ижодкорлиги жараёнини янада ривожлантириш, кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳаларига амалий таклифлар киритиш, қонун ижроси бўйича парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатиш, бунда таъсирчан чоралар қўллашдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз илгари сурган Концепцияни тўлиқ ва самарали амалга оширишдан ҳар биримиз манфаатдормиз.

Президентимизнинг Янги йил табригини тинглаб, 2011 йилда зиммамизда қандай масъулиятли вазифалар турганини яна бир бор ҳис этдим. У кишининг «...амалга ошираётган ишларимизнинг самарасини янада ошириш учун ҳар қайсимиз ўз жойимизда бир ёқадан бош чиқариб, астойдил меҳнат қилишда деб биламан ва сиз азизларнинг барчангизни шунга даъват этаман», деган хитоби доим қулоғимиз остида жаранглаб туриши керак.

Миннатдорлик

# «Мен энди дунёга «саёҳат» қиламан!»

## дейди тўрткўллик Гулсанам Абдумаликова

Избоскан туманида яшайдиган, ижтимоий ҳимояга муҳтож беш оила ҳомийлар ҳиммати билан қорамолли бўлишди. Ўн нафар ногирон йигит-қизга компьютер ҳадя этилди.

— Оилада кенжа фарзандман, — дейди «Тўрткўл» қишлоғилик Гулсанам Абдумаликова. — Расм чизишга қизиқаман. Компьютерим орзуларимнинг амалга ошишида асқотади. Опам Гулшаной Наманган давлат университетининг чизмачилик ва муҳандислик графикаси факультетида ўқийди. Гулжаҳон опам эса Ҳаққулобод тиббиёт коллежида таҳсил олаяпти. Опаларим компьютерни ўрганишимга ёрдам беришади. Энди бўш вақтим янада мазмунли ўтади. Ўзимга тенгдош бўлган дунёдаги ёшларнинг ҳаёти, яшаш тарзи билан жуда қизиқардим, улар билан интернет орқали суҳбатлашишни орзу қилардим. Шаҳарларимиз ва бошқа гўзал гўшаларнинг суратини чизсам дердим. Энди компьютер орқали дунё бўйлаб бемалол «саёҳат» қилишим мумкин! Тўғриси, қувончимнинг чеки йўқ, мурувватли одамларга раҳмат!..

**(Ўз мухбиримиз).**

Хорижда

# Қоидани бузганларга жарима солинади



***Испанияда чекишни тақиқлаш тўғрисида қонун қабул қилинди. Энди жамоат жойларида – бар, ресторан, шифохона ва мактабларда чекиш қатъиян ман этилади. Шу билан бирга, чекувчиларни телеэфир орқали кўрсатиш тақиқланади.***

Шифокорлар мазкур қонун чекишга ружу қўйганлар сонини камайтиради деса, бар ва қаҳвахона эгалари даромад пасайиб кетишидан хавфсирамоқда. Боиси, Испанияда аҳолининг аксарият қисми ана шундай ерларда бўш вақтини ўтказади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қоидани бузганларга 500 дан 1000 еврогача жарима солинади. Мамлакат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги вакилларининг таъкидлашича, мазкур қонун табиатни ва аҳоли саломатлигини асрашга хизмат қилади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, Испанияда кунига икки юзга яқин киши чекиш оқибатида юзага келадиган касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмар экан.

# Томи қулаб тушди

***Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатидаги кинотеатр томининг қулаши оқибатида элликка яқин киши оғир жароҳатланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.***

Яна ўн олти киши қулаган бино остида қолган. Айни дамда қутқарув хизмати ходимлари зарур чораларни кўрмоқда. «The Sydney Morning Herald» газетасининг ёзишича, фалокатга бир неча кундан буён давом этаётган кучли ёмғир сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, 2010 йилнинг декабрь ойида ёғингарчиликлар туфайли Батхерст шаҳридаги дунёга машҳур «Woolworths» савдо марказининг томи ҳам қулаган. Оқибатда, бир неча киши оғир жароҳатланган.



# Молиявий аҳвол ёмонлашмоқда

***АҚШда тўрт йил мобайнида уч юздан зиёд йирик савдо ташкилоти инқирозга юз тутди.***

«The Wall Street Journal» журнали тарқатган хабарларга қараганда, 2010 йилнинг ўзида бир юз элликка яқин банк молиявий аҳволининг ёмонлашуви оқибатида хонавайрон бўлган. Ўттиздан зиёд кредит ташкилоти миллионлаб зарар билан ёпилган. FDIC суғурта корпорацияси маълумотига кўра, 2009 йилда инқирозга учраган АҚШ банклари сони рекорд кўрсаткич — 140 га етган.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

# Фаровонлигимиз тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи

Президентимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинишида чуқур мазмун-маъно бўлиб, бу ўтган йилларда, хусусан, Баркамол авлод йилида амалга оширилган хайрли ишларимизни мантиқан давом эттиришимизга замин яратади. Чунки халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни юртимиз тараққиёти, фаровонлиги таянчи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишларига янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишига, бирор касб-ҳунарни эгаллашига, иқтидорини тўлақонли намоён этишига, ўзини, яқинлари ва оиласини моддий жиҳатдан таъминлашига хизмат қилади.

Аслини олганда, ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик деб номланаётган бу эзгу фазилатлар азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти. Бунга Самарқанд новвойлик, Бухоро зардўзлик, Хоразм гиламдўзлик, Риштон кулолчилик каби ҳунармандчилик мактабларини мисол келтиришимиз мумкин. Ҳунармандлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари билан рўзғорини бутлаган ва истеъмолчиларнинг турмуш шароити яхшиланишини таъминлашган. Афсуски, яқин ўтмишда ҳунармандчилик ишлари ҳам деярли тақиқланди, кўплаб устахоналар асоссиз равишда ёпилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил 15 февралда «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши юртимизда ҳунармандчилик — тадбиркорлик ишлари қайтадан ривожланишини бошлаб берди. Мустақиллик йилларида Конституциямиздан мулк ва мулкий муносабатларга оид оқилона моддалар жой олганлиги, шу соҳани ривожлантириш учун «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг кўламда тараққий этишига шарт-шароит яратди.

Жумладан, ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 млрд. сўмни ташкил қилди, бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўпдир. Натижада, ўтган йилнинг тўққиз ойида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 48,5, саноатда 18,7, бандлик соҳасида 74,4 фоизни ташкил этди. Бошқача айтганда, ўтган шу даврга нисбатан кичик бизнеснинг саноатда ишлаб чиқариш ҳажмининг суръати 124,1 фоизга кўпайди. Лекин ҳаётнинг ўзи ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришимиз учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришимизни талаб қилаяпти.

Маълумки, **Бизнес** — фойда олиш мақсадида кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ташкилий фаолият. Бу фаолият бизнес режа тузишдан бошланади. **Бизнес режа** — аниқ белгиланган тадбиркорлик ишининг барча босқичлари тавсифланган ва тахминий ҳисоб-китоб қилинган лойиҳа. Бизнес хўжалик юритиш кўламига қараб, йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади. Кичик бизнес 20 нафаргача киши ишлайдиган корхона (хўжалик)ларни қамрайди.



**Тадбиркорлик** эса бизнеснинг асосий тури бўлиб, капитал сарфлаб товар ва хизмат турлари яратиш билан фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолиятдир. Мулкий жиҳатдан тадбиркорлик 4 хил кўринишга эга: давлат, хусусий, жамоа ва аралаш. Демак, **хусусий тадбиркорлик**да иқтисодий фаолиятни бошлашга, юритишга сарфланадиган маблағ хусусий бўлади. Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, тадбиркорлик бизнесга киради, лекин ҳар қандай тадбиркорлик бизнес бўлавермайди. Яъни, тадбиркорлик фаолияти ички бозорда товар ёки хизмат турлари яратиши лозим.

Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан юртимизда асрлар давомида сайқаллашган ҳунармандчилик-тадбиркорлик ишлари янада ривожланади. Бироқ Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур».**

Бу устувор йўналишда тузиладиган дастур-режалар, амалга ошириладиган ишлар ғайратли кишиларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ўз иқтидорларини намоён этишига, янги иш ўринлари ташкил қилинишига, аҳолининг меҳнат билан бандлиги, демакки, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши баробарида ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиради, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янада юксак босқичга кўтаради. Албатта, шундай эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқиши ҳар биримизнинг эл-юрт манфаати йўлида ташаббус кўрсатишимиз ва фидойи бўлишимизга боғлиқ.

**Асрор МЎМИН**

# Янги йилни янги уйда

## кутиб олишди

Асака туманининг Асака — Фарғона магистрал йўли бўйида замонавий шаҳарча бунёд бўлди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уйлар кўрганларнинг ҳавасини келтиряпти.

— Янги йилни олти хонали янги уйда кутиб олдик, — дейди Дилноза Аҳмедова. — Насиб қилса шу кунларда ўғлим Азизбекнинг никоҳ тўйини ўтказамиз.

— Яхши ният қилсангиз, муроду мақсадларингизга етар экансиз, — дея дил сўзларини изҳор этди Асака педагогика коллежи ўқитувчиси Тамарахон Жўраева. — Янги йилни тўрт хонали янги уйимизда кутиб олдик. Президентимизнинг қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уйлар қуриш ҳақидаги қарори орзуимизнинг рўёбга чиқишига замин бўлди. Шу массивдаги 22 та уй эгасининг ҳар бирининг айтар сўзи бор. Тамарахон опанинг сўзларига қўшниси Гавҳарой Нишонова ҳам қўшилди.

— Тўрт хонали уйимизда барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Гавҳарой Нишонова. — Табиий газ, ичимлик суви дейсизми. Ошхона ҳам кенг, қулай.

Янги йилни янги уйларда кутиб олган қўни-қўшнилар бир-бирларини қутлашди. Кириб келган Янги йил юртимизга қут-барака, оилаларимизга бахту саодат, омад олиб келишини тилашди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Янги йилда — янги оила

Инсон ҳаётида эсда қоларли дамлар, шукуҳли шодиёналар кўп бўлади. Айниқса, байрамлар, турли тантаналар остонасидаги қувончли ҳамда фараҳбахш онлар хотирамизда бир умрга муҳрланиб қолади.

Денов туманидаги «Чўнтош» маҳалласида истиқомат қилувчи Тошмамат Тилаков оиласи учун янги йилнинг илк куни қувончларга лиммо-лим бўлди. Шу куни хонадонда икки ёшнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар уларни шодиёналар билан муборакбод этишди.

— Бу ҳам ўзига хос тақдир инояти бўлса керак, — дейди куёв Элёржон Тилаков. — Рости, никоҳ тўйимиз Янги йилнинг биринчи кунида ўтишини кутмагандим. Қўшалоқ шодиёнадан барча дўстларимиз, яқинларимиз хурсанд бўлишди. Ушбу байрам эндиликда биз учун янада қадрли бўлади.

— 2010 йил 31 декабрь куни уйимизда янги йилни кутиш баробарида тўйга ҳам тайёргарлик бошланиб кетди, — давом этади келин Гулнорахон Менгтўраева. — Бир томонда турфа чироқлар билан безатилган арча, бир томонда оппоқ либосли келинчак... Бу мен учун ҳаётимда бетакрор ва унутилмас лаҳзалар бўлди...

Оила жамиятнинг таянчи. Миллат оилада камол топади. Янги йилда янги қурилган барча оилаларнинг бахти бутун бўлсин!

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Янги йилнинг биринчи куни

## зоминлик Давуровлар оиласида эгизаклар дунёга келди



Одатда, Янги йилни ҳаммамиз яхши кайфият, эзгу орзу-ниятлар билан қарши оламиз. Очиғи, хоҳ катта, хоҳ кичик — ҳар қайсимиз ундан қайсидир маънода мўъжизалар, яхшиликлар, омадлар кутишимиз ҳам бор гап.

Бу галги Янги йил зоминлик Нигорахон ва Абдураҳмон Давуровлар хонадони учун омадли келди, дейишга асосимиз бор. Чунки, Янги йилнинг дастлабки кунида бу оилада эгизак фарзандлар — Ҳасан ва Зуҳра туғилди.

— Ҳасаннинг вазни 3 килою 100 грамм, Зуҳраники эса 3 килою 500 грамм, — дейди доя Ҳулкар Насриддинова. — Туғуруқ жараёни асоратсиз кечди. Айни пайтда эгизаклар ва уларнинг онаси ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Эгизакларнинг ота-онаси тоғли Небўса қишлоғида истиқомат қилишади. Абдураҳмон тадбиркор, Нигора муаллима. Улар фарзандларининг бир йўла икки нафарга кўпайганидан хурсанд.

Маълум бўлишича, Янги йилнинг биринчи кунида Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилоят филиали туғуруқ мажмуида 11 нафар чақалоқ дунёга келган. Умуман, вилоят бўйича шу куни туғилган болалар сони 23 нафарни ташкил этди. Муҳими, уларнинг барчаси ва оналари соғлом. Бу эса юртимизда соғлом оналик ҳамда бахтли болалик бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг яққол мевасидир.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси жамоаси Марказий Кенгаш масъул ходими Нодира Муслимовага онаси

**МУБОРАК ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси таркибидаги «Узумшаробсервис» унитар корхонаси директори, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Тафтиш комиссияси раиси, партия фаоли Адиба Аҳмеджановага онаси

**НАФИСА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

# Хавфсизлик, қулайлик ва юксак сифатли хизмат

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳаво қатновлари харитасига назар ташласангиз, унинг жаҳондаги турли мамлакатларнинг 50 дан ортиқ шаҳарларига парвозларни бажараётганининг шоҳиди бўласиз, ички ташувлар бундан мустасно.



Йўловчилар айланмаси ва ўсиш суръати бўйича у МДҲдаги энг йирик авиакомпаниялардан бири ҳисобланади. Миллий авиакомпания халқаро бозордаги нуфузга наинки ғарбда ишлаб чиқилган замонавий самолётлар паркидан фойдаланиш, парвозларнинг юқори ишончлилиги ва хавфсизлиги туфайли, балки авиаташувлар соҳасида ҳам, авиатехникага техникавий хизмат кўрсатиш соҳасида ютуқлари орқали эришди.

Таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг доимий диққат-эътибори парвозлар хавфсизлигини таъминлашга, йўловчиларга қулайлик яратишга ва юксак сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган. Шу мақсадда жорий йилнинг 1 январидан эътиборан миллий авиакомпаниямиз IOSAнинг халқаро фойдаланиш хавфсизлик андозаларига мос келмай қолган «Ту-154» русумли ҳаво кемалари хизматидан воз кечди. Эндиликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Самарқанд — Москва, (Домодедово) Фарғона — Самарқанд — Қозон, Тошкент — Самара, Тошкент — Уфа, Андижон — Москва (Домодедово), Нукус — Москва (Домодедово), Тошкент — Сочи, Урганч — Минеральные Воды, Наманган — Новосибирск, Андижон — Красноярск йўналишларидаги парвозларни бажарган «Ту-154» самолётлари ўрнини «А-320», «Боинг-757» ва «RJ-85» русумли замонавий ҳаво кемалари эгаллайди.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ ТЎРТКЎЛ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

халқимизни Янги — 2011 йил билан муборакбод этади. Янги йил барчамизга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат олиб келсин!



Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

## Янги йил қувончлари



**Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Янги йилни кутиб олиш учун атайлаб дала ҳовлимизга бордик. Тоғлардаги оппоқ қорнинг ой нурида товланишини кўриб, кайфиятим кўтарилиб кетди. Янги йилда биринчи бўлиб, Отабек дўстим табриклади. У табиб бўлгани учун менга саломатлик тилади. Шундан кейин яқинларим телефон қилишди. Ўзим эса қишлоқдош дўстим Абдушукурни табрикладим.

Хаёлан 2010 йилдаги ижодимни сарҳисоб қилдим. «Сув ёқалаб» фильмида яратган Болта Мардон образим Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган фестивалда «Йилнинг энг яхши актёри» номинациясида ғолиб деб топилди. Театримизда саҳналаштирилган «Тақдир синовлари» спектаклида яратган Жайрон бобо образим эса ижодимнинг янги бир қиррасини намоён қилди. Ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан яна бири — невараларим иккитага кўпайди.

Янги йилдаги режаларим кўп. Қилган ишларимдан кўра қилмаган ишларим, улгуролмаганларим мени кўпроқ ҳаракат қилишга, ўз устимда ишлашга ундайди. 2011 йилда халқимизни янги-янги роллар билан хурсанд қилиш ниятидаман.



**Нодира НОДИРЖОНОВА, шоҳмот бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, XVI ёзги Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори:**

— Ўтган йил мен учун жуда омадли келди. Аввало, мамлакатимиз талаба-ёшларининг «Универсиада — 2010» мусобақаларида чемпионликни қўлга киритдим. Ханти-Мансийскда ўтказилган Бутунжаҳон шоҳмот олимпиадасида 6,5 очко жамғариб, халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажардим. Кузда эса Гуанчжоуда бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида жамоавий баҳсларда кумуш медалга сазовор бўлдим.

Шу боис, Янги йилни ҳам зўр кайфиятда Чироқчида, оиламиз даврасида қарши олдим. Юртимизнинг таниқли шоҳмотчилари — Юлдуз Ҳамроқулова, Нафиса Мўминовага қўнғироқ қилиб, уларни Янги йил билан қутладим.

Янги — 2011 йилдан умидларим жуда катта. Бу йилда шоҳмот бўйича жаҳон чемпионати минтақавий баҳсларида муваффақиятли қатнашишни орзу қиламан. Бундан ташқари, йирик халқаро турнирларда ғолиб чиқиб, кеаракли балл тўплаб, гроссмейстерлик талабини бажариш ниятидаман.



**Ўрозмурод ҚУРБОНОВ, Республика туркман маданият маркази раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— Президентимизнинг Янги йил табригини, айниқса, миллатлараро тотувлик ҳақидаги пурмаъно гапларини эшитиб, жуда ҳам тўлқинланиб кетдим. Бугун айрим мамлакатларда содир бўлаётган нохуш воқеалар, миллатлараро низолар, уларнинг фожиали оқибатларини эшитганда юртимиздаги тинчлик, миллатлараро тотувликнинг қадрини янада чуқурроқ англар экансан киши. Илоҳим, миллатлараро дўстлик ва аҳилликка, осойишталикка кўз тегмасин, бунёдкорлик ишларимиз янада юксалсин.

Юртбошимиз яна бир бор таъкидлаганларидек, шу азиз Ватан барчамизники. Унинг тақдири, бизнинг тақдиримиз. Ўзбекистонимнинг муваффақияти — менинг ҳам муваффақиятим. Мана шу ҳикматли сўзларга ҳаётимда, тадбиркорлик фаолиятимда қатъий амал қилиб келяпман. Ўтган йиллардаги камтарона меҳнатларим юқори баҳоланиб, Ватанимизнинг «Дўстлик» орденига муносиб кўрилдим.

2010 йилда «Ўзбек-туркман» дўстлик фестивалини ўтказдик. Бу байрам ўзбек-туркман халқларининг қалин дўст, ўзаро аҳил-иноқ эканлигининг яна бир бор ўзига хос ифодаси бўлди. Янги йилда ҳам юртимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатликни, ўзаро аҳил-иноқлигимизни янада мустаҳкамлаш учун маданият марказимиз барча имкониятларини ишга солади. Ўзбекистонимизнинг ютуқларига биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшиб, шу юртнинг фуқаросимиз, дея аҳил-иноқ миллатлар қаторида бошимизни баланд кўтариб, фахрланиб юрамиз.

## «Баркамол авлод — 2011»



# Спорт мусобақаларига

### Сурхондарёда қизғин ҳозирлик кўрилмоқда

Мамлакатимизда ўрта махсус таълим тизимида таҳсил олаётган ёшлар иштирокида тўртинчи марта «Баркамол авлод» спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Ушбу спорт байрамининг финал босқичи Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Айни кунларда муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Хусусан, Термиз шаҳридаги спорт мажмуалари реконструкция қилиниб, янги иншоотлар барпо этилмоқда. Асосий мусобақалар бўлиб ўтадиган 10 минг томошабинга мўлжалланган янги стадион қурилиши авжида. Умумий лойиҳа қиймати 13,5 миллиард сўм бўлган стадионни вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмасига асосан Бухородаги «20-қурилиш тресті» масъулияти чекланган жамиятга қарашли «3-КМК» қурувчилари амалга оширмоқда.

Бугун Термизга келган киши улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади. Вилоят маркази, кўчалар обод этилмоқда. Термиз Олимпия захиралари спорт коллежи, 1-2-академик лицейлар, педагогика коллежи, Термиз давлат университети, «Алпомиш» ва бошқа жами 12 та таълим муассасасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари поёнига етмоқда.

Мазкур мусобақаларга 1500 нафардан ортиқ меҳмонлар келиши кутилаётган бўлса, қарийб 900га яқин ёшлар спортнинг 12 тури бўйича беллашувларда иштирок этишади. Уларнинг 543 нафарини ўғил болалар ташкил этса, 350 дан ортиғи қизлардир. Шунингдек, 175 нафар мураббий, 200 га яқин ҳакам, 130 нафар оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқа 100 дан ортиқ меҳмонларга ҳам барча шароитлар яратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, айни чоғда воҳада спорт байрамига тараддуд авжида.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Изланиш, имконият ва тараққиёт

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти 1934 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг ўша даврдаги маркази Тўрткўл шаҳрида ташкил этилган. 1976 йилда мазкур институт ўрнида Бердақ номидаги ҳозирги Қорақалпоқ давлат университети фаолият бошлаган. Бироқ мамлакатимиз мустақилликка эришгач, педагогика институти қайтадан, замон талаблари асосида барпо этилди.

Ҳозир бу ерда 9 та факультет ва 28 та кафедрада кўп тармоқли тизим асосида 20 та бакалавриат ҳамда 13 та магистратура мутахассислиги бўйича юқори малакали педагог кадрлар тайёрланмоқда.

Янги йил арафасида «Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг илмфан тараққиётидаги ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда асосан институт талабаларининг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятлари профессор-ўқитувчилар томонидан таҳлил этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда институтнинг кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмуни янада мукаммаллаштирилди, дарсликлар ҳамда уларни замонавий дидактик материаллар билан таъминлашнинг янгича усуллари ишлаб чиқилди. Илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Этнопедагогика, Археология лабораториялари, «Оролбўйи» ишлаб чиқариш корхонаси, «Алпомиш» ботаника боғи ва 2 та ўқув-тажриба хўжаликлари ташкил қилинди. Интернет синфлари, ахборот-ресурс маркази, шунингдек, лингафон хоналари ёшларнинг ҳар жиҳатдан чуқур билим олиши учун ҳизмат қилмоқда.

Бу каби ислоҳотлар натижасида Нукус давлат педагогика институти нафақат Қорақалпоғистон, балки мамлакатимиздаги энг етакчи институтлардан бирига айланди. Айниқса, сўнгги пайтларда институт талабаларининг Республика ва халқаро миқёсда эришаётган улкан натижалари фикримиз далилидир. Хусусан, 2001-2009 ўқув йилларида бу даргоҳнинг 20 нафар иқтидорли талабаси Президент стипендиасига сазовор бўлди. Бундан ташқари, 6 нафар талаба Улуғбек, 11 нафар юқори интеллект эгалари Навоий, 3 нафар иқтидор соҳиблари Беруний номидаги Давлат стипендиялари билан тақдирланди. 2001 йилда олийгоҳ тарбияланувчиларидан М.Ўтемуратов ва Д.Бекимбетованинг номлари «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган илк қорақалпоғистонлик иштирокчи сифатида тарихга муҳрланди. Шунингдек, Р.Заримбетова ва Ш.Утеганова Менделеев номидаги Халқаро Евроосиё нотижорат ривожлантириш фонди илмий тадқиқот институти стипендиатлари қаторидан жой олди.

Ҳозирги кунда тажрибали профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда, ёш тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар ҳам тарих, археология, этнография, Орол денгизи қуришининг ушбу ҳудуд флора ва фаунасига таъсири, адабиёт, қорақалпоқ халқининг ёзма ҳамда оғзаки ёдгорликларини ўрганиш борасида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Анжуман давомида шу каби ютуқлар кўламини янада кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни кучайтириш, таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш ҳамда ёш тадқиқотчилар яратаётган илмий янгиликларни амалда татбиқ этиш борасида институт ректори Мурат Бердимуратов, Миллий ғоя, маънавият ҳамда ҳуқуқ таълими кафедраси мудири, академик Жуманазар Базарбаев, шунингдек, тарих фанлари доктори Яхшибийка Абдуллаеванинг маърузалари тингланди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

## Қарор ва ижро

Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплексларини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Бухоро вилояти бозорларида хизмат кўрсатишни бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйиш ишлари изчил олиб борилмоқда.

Бухоро шаҳридаги Марказий деҳқон бозори — замонавий ва миллий архитектура талаблари асосида кўркам қиёфа касб этган савдо мажмуасидир. Бу ерда 680 турғун савдо шохобчаси, 3 мингдан ортиқ ўринга эга савдо расталари, 38 устахона деҳқон ва тадбиркорлар ихтиёрида. Бозор ҳудудида автоуловлар тўхташ жойи ҳам барпо этилган.

Бозорда мева-сабзавот, қуруқ мева, полиз, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари ҳамда анвойи гуллар учун алоҳида павильонлар ажратилган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пластик карточкалар орқали харид қилиш учун зарур шарт-шароит яратилган.

Бозор ҳудудида 25 ўринли, барча қулайликларга эга шинам меҳмонхона хизмат кўрсатмоқда.

## Излаган имкон топар

# Ерёнғоқнинг янги нави

Уйчи туманидаги спорт коллежи жамоаси бюджетдан ташқари маблағ топиш, даромадни эса кам таъминланган ўқитувчилар ва талабаларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадларига сарфлашга алоҳида эътибор бермоқда. Коллежнинг тажриба участкасига ўтқазилган гилос, олма, шафтоли, нок каби кўчатлар мевага кириб қолди.

— Бу хайрли иш 2011 йил ҳам давом этади, — дейди коллеж директори Абдуманнон Раҳимов. — Коллежга қарашли ердан унумли фойдаланамиз.

Коллежда яна бир янгилик жорий қилинган. Физика муаллими Абдусаттор Мусаев хориждан ерёнғоқ олиб келиб, туман шароитига мослаштириш устида иш олиб борганди. 1993 йили бошланган тажриба 2010 йилга келиб ижобий натижа берди. Уни коллеж томорқасига экилиб, жуда катта фойда кўрилди.



— «Қизилравот» тажриба хўжалиги ҳамда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борган синовларимиз яхши самара берди, — дейди Абдусаттор Мусаев. — Бир ҳовучгина уруғлик бугун тонналарга айланди. Ҳатто икки-уч фермер хўжаликларида ҳам экилиб, юқори ҳосил олинди.

«Уйчи спорт — 2010» деб номланган бу уруғнинг вилоятда оммавий тарзда етиштирила бошлаганининг сабаблари бор, албатта. Уруғ буғдой, ловия ёки бошқа эртанги ҳосилдан бўшаган майдонларга экилади. Ҳосил одатдаги ерёнғоқ нави сингари олти ойда эмас, тўрт ойда пишиб етилади. Қолаверса, кўп ўғит ёки ортиқча сув талаб қилмайди. Ҳосилининг мағзи тўла ва ширинлиги билан ажралиб туради. Шундан бўлса керак, тумандаги кўпчилик фермер хўжаликлари шу ерёнғоқдан экиш ниятида.

Изланган имкон топади. Буни наманганлик ўқитувчи-мураббийлар амалда исботлашяпти.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО 04-05.01. 2011

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 4°C | 4°C |
| Самарқанд | 4°C | 4°C |
| Нукус | 0°C | 5°C |
| Қарши | 5°C | 12°C |
| Урганч | 0°C | 5°C |
| Навоий | 4°C | 9°C |
| Фарғона | 9°C | 8°C |
| Бухоро | 4°C | 9°C |
| Андижон | 3°C | 8°C |
| Наманган | 3°C | 8°C |
| Термиз | 7°C | 12°C |
| Жиззах | 4°C | 9°C |
| Гулистон | 4°C | 9°C |
| Тошкент вил. | 4°C | 9°C |
| Лондон | -1°C | -3°C |
| Париж | -1°C | -2°C |
| Москва | -12°C | -14°C |
| Мадрид | 0°C | 1°C |
| Пекин | 2°C | 3°C |
| Гонгконг | 10°C | 9°C |
| Рим | 5°C | 6°C |
| Анқара | 7°C | 9°C |
| Токио | 6°C | 5°C |
| Стокгольм | -9°C | -8°C |
| Кейптаун | 10°C | 9°C |
| Қоҳира | 7°C | 6°C |
| Гавана | 10°C | 12°C |
| Вашингтон | -2°C | -3°C |

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G`ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug`bek MUSTAFOYEV, Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari), G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko`chasi, 32-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro`yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149
19432 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 00.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5